

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019. I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙФУТДИНОВ ШУХРАТЖОН СУЛТОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ БАРҚАРОР**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economic Sciences**

|  |    |
|--|----|
| <b>Сайфутдинов Шухратжон Султонович</b><br>Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш<br>стратегияси.....     | 3  |
| <b>Сайфутдинов Шухратжон Султонович</b><br>Стратегия устойчивого развития сферы туризма в Узбекистане.....             | 29 |
| <b>Sayfutdinov Shukhratjon Sultanovich</b><br>Strategy of sustainable development of tourism sphere in Uzbekistan..... | 55 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br>Список опубликованных работ<br>List of published works.....                     | 59 |

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019. I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙФУТДИНОВ ШУХРАТЖОН СУЛТОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ БАРҚАРОР**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2021.1.PhD Iqt1635 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдувоҳидов Абдумалик Маҳкамович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Пардаев Олим Мамаюнович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Мирзаев Абдуллажон Топилович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

**Етакчи ташкилот:** **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019. I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (0371) 239-28-72, Факс: (0371) 239- 43-51, e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (0371) 239-28-72, Факс: (0371) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**А.А. Эштаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги глобаллашув шароитида иқтисодий интеграция жараёнлари кучайиб, инсонлар ҳаёти тарзида мослашувчанлик, мамлакатлараро меҳнат миграцияси кенгайиши, туризм соҳасига талаб ортиши ва унинг барқарор ривожланишига асос бўлмоқда. БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотида кўра, 2019 йилгача бўлган сўнгги ўн йил давомида туризм соҳаси барқарор ривожланишни намоен этган, хусусан мазкур йилда соҳани ривожланиши Яқин Шарқда 8 фоиз, Осиё ва Тинч океани минтақасида 5 фоиз, Европа ва Африка қитъаларида 4 фоиз ва Америка минтақасида 2 фоиз ўсиш кўрсаткичига эга бўлиб, туристик ташрифлар сони 1,462 млн.дан ортиқ кишини ташкил этди. Бугунги кунда дунё мамлакатларидаги геосиёсий ҳолат, кутилмаганда юзага келган COVID-19 таҳдиди, иқтисодиётнинг барча тармоқлари сингари туризм соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда, жумладан “2020 йилда туристлар сони 364,3 млн. кишини ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 74%га камайган”<sup>1</sup>лигига гувоҳ бўлиш мумкин, бу айниқса туризм соҳасида глобал инқирозни юзага келтирди. Бу каби трансформация жараёнлари давлатларни янги мазмундаги ноанъанавий усул ва механизмлар билан иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш йўллари қидиришга мажбур этмоқда.

Хорижий мамлакатлар туризм соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлилига кўра глобал инқирозни юмшатувчи бошқариш ва унинг таъсирини камайтириш; рағбат яратиш ва тикланиш жараёнини тезлаштириш; келажакка тайёрланишдан иборат инқирознинг олдини олишга хизмат қилувчи уч гуруҳ омиллар кенг тадқиқ этилмоқда. Бироқ мазкур уч гуруҳ омиллар ўрганилишига қарамай, халқаро муносабатлар марказий объекти бўлмиш туризмнинг барқарор ривожлантириш механизми, замонавий дунёнинг янги муаммоларини ҳисобга олган ҳолда замонавий жамиятда туризмни ривожлантириш учун давлатларнинг масъулиятини кучайтириб, халқаро туризм ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш билан боғлиқ тадқиқотларга зарурат сезилмоқда.

Бугунги кунда бозор муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида Ўзбекистонда туризм соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилаётганлиги, туризмнинг миллий иқтисодиётга янада интеграциялашуви мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясида ҳам “Туризм соҳасини ривожланиши учун қулай иқтисодий шароит ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда

<sup>1</sup> [https://tourlib.net/wto/UNWTO\\_Barometer\\_2021\\_01.pdf](https://tourlib.net/wto/UNWTO_Barometer_2021_01.pdf)

туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган”<sup>2</sup>лиги алоҳида белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан, республикамизда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш зарурлигига давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ туризм соҳасини барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари ва вазифаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизлигини кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5054-сон “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризм соҳасини барқарор ривожлантиришга оид адабиётларда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг айрим назарий ва методологик

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони билан тасдиқланган “2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон, 15.08.2019 й., 06/19/5781/3567-сон, 20.09.2019 й., 06/19/5833/3774-сон.

масалалари ўрганилган. Бу борада, хорижлик етакчи олимлардан Stephen Page, P.Kotler, J.Bowen, J.Makens, Charles R. Goeldner J. R. Brent Ritchie, Chris Ryan, D.Lundberg, M.Krishnamurthy, Ch.Y.Gee, J.C.Makens, D.Chey<sup>3</sup> сингари олимларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Бундай олимларнинг тадқиқотларида туризмнинг назарий жиҳатлари, ривожланиш тарихи, эволюцияси, тамойиллари ҳамда ҳозирги шароитда туризмнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари борасида Т.В. Черевичко, Н.М. Малов, Н.А. Попова, В.З. Макаров, О.В. Гришанина, Л.Л. Калинина, Т.И. Черняева, Д.А. Харитонов, В.И. Азар, М.Б.Биржаков, Я.Гезгали, Г.А.Карпова, В.А.Квартальнов, И.В.Зорин, Д.В.Щусь, Д.В.Залозная, А.А.Бадин, К.Г.Яковлева, И.О.Сердобольская<sup>4</sup> сингари олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. МДҲ олимларининг бу ишларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С. Ғуломов, К.Х. Абдурахмонов, А.М. Абдувоҳидов, Н.Т. Тухлиев, Т. Абдуллаева, И.С. Тухлиев, И. Иватов, М.Қ. Пардаев, Р. Атабаев, Ф. Қудратов, Ф.К. Камилова, Б.Х. Тураев, А.Ф. Саидов, Т.Т. Ташмуратов, Е.В. Голышева, О.Х. Хамидов, А.Н. Норчаев, Ш.Р. Файзиева, А.А. Эштаев, Д.К. Усманова, Б.Ш. Сафаров, М.Т. Алимова, Д.З. Норқулова А.Т. Алимов, М.Т. Алиева,

---

<sup>3</sup> Stephen Page. Transport and Tourism: Global Perspectives. Pearson Education. School of Management, University of Stirling, Scotland. 2016. -480 p., Kotler P., Bowen J. Makens J. Marketing For Hospitality & Tourism Pearson International Edition 2014, USA., Charles R. Goeldner J. R. Brent Ritchie. Tourism: Principles, Practices, Philosophies. Published by John Wiley & Sons, Inc., Hoboken, New Jersey, 2012. -544 p. Chris Ryan. Recreational Tourism: Demand and Impacts/Channel View Publications, 2003. -358 p., Lundberg D., Krishnamurthy M. - Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p., Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey, D. The Travel Industry. 3d. Wdit. -New York John Wiley Sons Inc. 2003. -250 p.

<sup>4</sup> Т.В.Черевичко. Экономика туризма: Учебное пособие. — 2-е изд. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К'», 2016. — 262 с; Н.А.Попова. Архитектурное наследие степного края Заволжья: Монография. —Саратов: Издательство Саратовского государственного технического университета. 2014. — 280 с; Реконструкция и реставрация историко-архитектурного наследия. Учебное пособие. Саратов: Аквариус, 2003.- 99 с.; Л.Л.Калинина. Государственная политика в сфере туризма: туристско-рекреационные особые экономические зоны.//Туризм: право и экономика, 2006, N 5; Т.И.Черняева. Туризм: от социальной теории к практике управления. Учебник. — М.: Университетская книга; Логос, 2008. — 424 с.Азар В.И. Экономика и организация туризма. - М.: Экономика, 2003. - 322 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. - Издание 9-е переработанное и дополненное. - СПб.: «Издательский дом Герда», 2007 — 576 с; Гезгали Я. Экономика туризма - М., 2004; Карпова Г.А. Экономика и управление туристской деятельностью. СПбГУЭФ, 268 с.; Квартальнов В.А. Менеджмент и маркетинг в социально - культурной сфере. Учеб.пособие. 2 - е изд. - СПб.: Книжный дом, 2003. - 644 с.; Менеджмент туризма. Под редак. В.А.Квартального — М.: Финансы и статистика, 2004. - 160 с.; Зорин И.В. Теоретические основы формирования содержания профессионального туристского образования: автореф. дисс... док. пед. наук. — Москва, 2001; Щусь Д.В. Экономическо-институциональный механизм организации социального туризма: автореф.... кан. экон. наук. — Сочи, 2005; Залозная Д.В. Место социального туризма в гуманизации экономического роста: автореф. ... кан. экон. наук. — Владикавказ, 2007; Бадин А.А. Формы организации маркетинга на рынке социального туризма: автореф. ... кан. экон. наук. — Волгоград, 2008; Яковлева К.Г. Институциональные основы развития социального и безбарьерного туризма: автореф. ... кан. экон. наук. — Санкт-Петербург, 2012; Сердобольская И.О. Государственное регулирование социального туризма и пути его совершенствование в Российской Федерации: автореф. ... кан. экон. наук. — Санкт-Петербург, 2003.

С.С. Рўзиев, У. Матъякубов, З.И. Усманова, С.Ш. Халилов<sup>5</sup> сингари олимларнинг илмий ишларида менежмент, туризм соҳасида бошқарув тизими ва самарадорлиги, Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш муаммолари ва меҳмондўстлик индустрияси, бошқарув назарияси ва амалиёти, худудларнинг салоҳияти ва уларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, мамлакатда туризм фаолиятини диверсификация қилиш, туризм худудларини ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, туристик ресурслар жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “ИТД-2-17 Ўзбекистонда ички туризмнинг ривожланиш истикболлари ва имкониятларининг иқтисодий таҳлили” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва

---

<sup>5</sup> Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. - Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В. Плеханова” в г. Ташкенте, 2013.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. - 424 с.; Тухлиев И.С. ва бошқа муаллифлар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2010. - 238 б.; Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие - Т.:ТГЭУ, 1998. - 131 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристический ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б.; Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007. - 192 б.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.: Фан, 2009. - 154 с.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Дисс... док. экон. наук - Т., 1994. - 252 с.; Ташмуратов Т.Т. Халқаро туризм. - Т.: Турон – Иқбол, 2007. - 320 б.; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях: Дисс... канд. экон. наук. – Т.: ТашГЭУ, 2011. -170 с.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дисс...канд. экон. наук. -С.: СамИСИ, 2006. - 155 с.; Норчаев А.Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари: и.ф.д. (DSc) дисс. - Т.: 2021. -246 б.; Файзиева Ш. Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: и.ф.н. дисс - Т.: 2006. - 156 б.; Eshtayev A.A. Turizm industriyasini boshqarishning marketing strategiyasi. Monografiya. - Т.: Fan, 2011; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития: дисс ...канд. экон. наук - С.: СамИСИ, 2009. - 157 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. - Т.: Фан ва технология, 2016. - 184 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари// Монография. – Тошкент: Иқтисод, 2015 - 300 б.; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. автореф. - Самарқанд, 2017; Матъякубов У. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истикболлари (Хоразм вилояти мисолида). и.ф.н. номз. дисс. -Самарқанд, 2011; Рўзиев С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикболлари. И.ф.н. дисс. - Тошкент, 2009; Ибадуллаев Н. Туристический ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). и.ф.н. дисс. автореферати. - Самарқанд, 2010; Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. и.ф.д. (PhD) дисс.авт. – Самарқанд, 2018. -32 б.; Алимов А.Т. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари. икт.ф.докт. (PhD) дисс.авт. – Самарқанд, 2018. - 54 б.; Норқулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. икт.ф.докт. (PhD) дисс.авт. – Самарқанд, 2018. - 69 б.; Халилов С.Ш. Туристический хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишлари. икт.ф.докт. (PhD) дисс.авт. – Самарқанд, 2019. - 50 б.

такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда туризм соҳаси барқарор ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий нормаларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

Ўзбекистон шароитида туризм соҳасини барқарор ривожлантиришга таъсир этувчи стратегик омилларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиш шарт-шароитлари ва динамикаси ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболдаги ривожланиши бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда туризм соҳасининг барча йўналишлари тарихий-ижтимоий хусусиятга эгалигидан келиб чиққан ҳолда, унинг барқарор ривожланишида анъанавий ва инновацион жараёнлар интеграциясини аниқлаш ва стратегиясини белгилаш;

туризм соҳаси барқарор ривожланишида мавжуд туристик ресурслар асосида туризм салоҳиятини яратиш ва ундан фойдаланиш стратегиясини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантиришда етакчи хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг истиқболдаги стратегик йўналишларини белгилаш;

туризм соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминловчи хусусиятлари, стратегияси, мезонлари, сабаблари ва ривожланиш асослари бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

туризмнинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш орқали даромадлар ошишига таъсири ва ривожланишнинг 2025 йилгача бўлган даврлари учун прогнозлашни амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда туризм соҳаси инфратузилмаси ва туристик фаолият олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, мантиқий ва қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий таққослаш, сабаб ва оқибат, замон ва макон, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, математик ва статистик, статистик гуруҳлаш, моделлаштириш каби усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

туризмни барқарор ривожлантиришда 10 кишидан кам бўлмаган хорижий туристик гуруҳлар учун камида беш кеча тунаб қолиши шарти

билан туристик корхоналарнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини 30 фоизи миқдорида субсидиялаш таклиф этилган ва меҳмонхоналар учун туристик тўловларни бекор қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

визасиз режим амал қилиб турган мамлакатлардан бошқа барча мамлакат фуқаролари учун туристик марказлар, яъни Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туризмни барқарор ривожланишига таъсир этувчи рекреацион ресурслар, ландшафт, биоиклим ва махсус қўрикланадиган ҳудудларни давлат-хусусий шерикчилик асосида такомиллаштириш таклиф этилган;

визасиз режимни жорий этиш, давлат-хусусий шерикчилик асосида туризм бизнесини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

туризмни барқарор ривожланишини таъминлашга оид ёндашув ва таклифлар, унинг механизмлари ва таснифи асослаб берилган;

туризмда кадрлар ва хизмат кўрсатиш жараёнида инновацион интеграция омилларини назарга олишнинг ижтимоий ва иқтисодий потенциалларига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг туризмни комплекс ривожлантиришга оид миллий дастур ва йўл ҳаракатларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

туризмни барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича ички ва ташқи бозор эҳтиёжларини эътиборга олиш ва замонавий бозорнинг инновацион сегментларини ўзлаштиришга доир амалий таклифлар ҳудудлар кесимида фойдаланиш учун қабул қилинган;

хорижий туристларни мамлакатга жалб этишни кенгайтириш, ҳудудларда туризм инвестицияларини ўзлаштириш, маҳаллий аҳолини туризмдаги фаоллигини қўллаб-қувватлашдек туризм барқарорлигини таъминлашга доир таклифлардан туризм бўйича яхлит истиқбол стратегияни белгилаб олишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, маълумотларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти расмий маълумотлари манбаларидан олингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ҳудудий ва халқаро миқёсда апробациядан ўтказилгани, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида замонавий туризмнинг барқарор ривожланишини ташкил этиш ва бошқаришга, туристик хизматлар сифатини ошириш, республикада туризм индустриясининг самарали фаолият юритиши, жаҳон бозорида миллий туризм маҳсулотлари

рақобатбардошлигини ошириш ва ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишга қаратилганлиги, шунингдек республикада туризм соҳасини барқарор ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларга асосан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан республикада туризм инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича дастурий ҳужжатлар, комплекс чора-тадбирлар, туризм фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Туризм: назария ва амалиёт”, “Туризм географияси”, “Туризмда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш”, “Меҳмонхона фаолияти менежменти”, “Туристтик рекреация ҳудудларини лойиҳалаштириш”, “Туризм маркетинги”, “Туризм ривожланишини прогнозлаш” фанларидан ўқув дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда туризм соҳаси барқарор ривожланишининг иқтисодий механизмларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

туризмни барқарор ривожлантиришда 10 кишидан кам бўлмаган хорижий туристик гуруҳлар учун камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туристик корхоналарнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини 30 фоизи миқдорида субсидиялаш таклиф этилган ва меҳмонхоналар учун туристик тўловларни бекор қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида акс этган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги 03-17-01/10648-сон маълумотномаси). Натижада пандемия даврида 2021 йил якунлари бўйича Ўзбекистонга хорижий туристлар оқими 2020 йилга нисбатан 28,7 фоизга ошган;

визасиз режим амал қилиб турган мамлакатлардан бошқа мамлакат фуқаролари учун туристик марказлар, яъни Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги 03-17-01/10648-сон маълумотномаси). Бу таклифдан визасиз режим амал қилиб турган мамлакатлардан бошқа барча мамлакат фуқароларини мамлакатнинг хавсиз, жозибадор, табиий ҳамда рекреацион туристик объектларига жалб қилиш ҳамда туристлар оқимини кўпайтиришда фойдаланилган;

туризмни барқарор ривожланишига таъсир этувчи рекреацион ресурслар, ландшафт, биоиклим ва махсус кўриқланадиган ҳудудларни давлат-хусусий

шерикчилик асосида такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги фармонида киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги 03-17-01/10648-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан давлат томонидан муҳофаза этиладиган ҳудудларида давлат-хусусий шерикчилик асосида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда ушбу ҳудудлардаги туризм объектларни хусусий сектор орқали сақлаш ва молиялаштиришни самарали бошқариш тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

визасиз режим, давлат-хусусий шерикчилик ва туризм бизнеси ривожланишининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги 03-17-01/10648-сон маълумотномаси). Мазкур тавсия қилинаётган таклифдан туризмни барқарор ривожланишининг 2025 йилгача бўлган дастурини тузишда ва уни амалга ошириш ишларида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, шу жумладан, 3 та республика, 2 та халқаро ОАК рўйхатидаги журналларда, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг натижалари бўйича жами 38 илмий иш шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола нашр қилинган. Уларнинг 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда эълон қилинган мақолалар ҳисобланади.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 165 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш стратегиясининг илмий-назарий асослари”га бағишланган. Мазкур бобда Ўзбекистонда туризм соҳаси барқарор ривожланишининг илмий-назарий асослари, туризм ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий нормалари, туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг

стратегик омиллари ва уларнинг туризм ривожланишидаги роли, жаҳон туризмнинг ривожланиш шарт-шароитлари ва тенденциялари кенг кўламда тадқиқ қилинган.

Шунингдек, диссертациянинг биринчи бобида туризм кундан-кун солиқ тўлаш ва солиқ олиб келиш салоҳиятининг ривожланиб бораётганлигини намоён этиши, мураккаб дунё воқелигидаги инсон психологияси жабҳаси, шахсни девиант ва деструктив кайфиятлардан асровчи асос сифатида таҳлил қилинган. Хусусан, унда давлат сиёсатининг миллий туризм ривожига ижобий таъсири ва ривожланиш тенденциялари, дунё миқёсида туризм соҳасидаги энг сўнгги тадқиқотлар шарҳланган. Миллий туризм соҳаларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, миллий туризм ва саёҳат қилиш анъаналарининг тарихи ва замонавий туризм соҳаларига таъсири масалалари, туризмдаги янги йўналишлар тавсия этилган. Хусусан, тарихий, маданий, тиббий, спорт, экстремал, тадбиркорлик, зиёрат, экологик, агротуризм, гастрономик, социал, табиатга чиқиш ва меҳмон уйлари туризми кабиларнинг тараққиёт омиллари, туризм соҳасига инвестициялар жалб этиш муаммолари ва уларнинг ечимлари, туризмнинг молиявий ривожланиш тенденциялари тавсифланган.

Туризм илмий муаммосининг илмий-назарий асослари ёритилган бўлиб, тадқиқот мавзуси ва унинг илмий йўналишлари нуқтаи назаридан қўйилган муаммони унга йўналиш асосида ҳал этиш таклиф этилган:

**Ўзбекистонда туризм соҳаси ва сайёҳлик анъаналарининг ривожланиши:** ўзбек халқи учун туризм ва саёҳат қилиш анъаналари тарихий-ижтимоий воқелиқдир. Худуд тарихини юнон, хитой ва араб сайёҳлари ўз йилномаларида эслаб ўтади. Минтақамиз аҳолиси учун туризм ва саёҳат қилиш этник хусусият сифатида таъкидланган.


Халқимиз қадимдан хориждан сайёҳ меҳмонларни қабул қилган, улар билан мулоқотлар олиб борган, кросс-маданий алоқалар ўрнатилган. Халқлар ўртасидаги маданий алоқалар Ўрта асрлардаги Европа ва Шарқ мамлакатлари, Араб сайёҳлари, Хитойдан келган савдогар ва сайёҳларнинг хотиралари асосида шарҳланган. Шунингдек, дунё бўйлаб саёҳат қилган сайёҳлар, хусусан, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муқимий, Фурқат сингари инсонларнинг қолдирган илмий-маърифий мерослари ҳамда саёҳат қилиш анъанаси мамлакатимизда қадимдан мавжуд бўлганлиги баён этилган.

**Ўзбекистонда туризм соҳасининг тарихий ривожланишини вилоятлар кесимида ўрганиш:** таҳлиллар асосида келтирилган барча тарихий маълумотларни бугунги кунда туризм соҳасига, хусусан туризмда ишлайдиган вилоят кесимидаги гидлар, таржимонлар, менежерлар эътиборига ҳавола қилиб, мазкур тарихий жараёнлар ва маконларга туристларни жалб этиш долзарблиги эътироф этилган. Ўзбекистонда вилоятлар кесимида минтақавий туризмни ривожлантириш учун алоҳида ҳужжатлар қабул қилинган.

**Туризм атамларини таърифлаш асосида туризм соҳасининг истиқбол ривожини ва ўрганилишига оид илмий-назарий адабиётларни**

**шарҳлаш;** туризм тушунчаси ижтимоий-назарий жиҳатдан мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир. Бугунги кунга қадар на илмий адабиётларда, на ҳуқуқий жиҳатдан, на маънавий-маърифий жиҳатдан туризм истилоҳининг барчага баробар бўлган ва барча томонларни, яъни туризм соҳаси, социолог, тарих, психолог, этнологларни бирдай қониқтира олувчи таъриф мавжуд эмас. Ҳар бир олим ўз ишида туризм истилоҳига ўз иши ва илмий тадқиқоти манфаатлари нуқтаи назаридан ўз таърифини бериб ўтади. Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон шароитида туризм кишиларнинг ўз хоҳишига биноан ўз яшаш маконини дам олиш мақсадида тарк этиши ва ўзга маконга кетишидан иборат бўлиб, кетишнинг мақсадлари турлича эканлиги асосланган.

Мамлакатимизда туризм соҳасини бошқариш механизмини такомиллаштириш соҳани стратегик ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг халқаро меъёр ва стандартларга жавоб беришини таъминлаш, туризмни бошқаришнинг ташкилий-бошқарув муаммоларини ҳал этишда бозор тамойилларини ҳисобга олиш долзарб вазифа эканлиги аниқланган.



**1-расм. Туризмни барқарор ривожлантириш механизми<sup>6</sup>**

Шунга кўра, Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш стратегияси сифатида “**туризм бизнеси → ҳокимият → таълим тизими → тарғибот-ташвиқот → илм-фан**” яхлитлигига асосланган механизмларни такомиллаштириб, “**туризм бизнеси → илм-фан → таълим тизими → тарғибот-ташвиқот → ҳокимият**” янгича амал қилиш механизмлари тарзида жорий этиш зарурлиги таклиф этилган (1-расм).

Диссертациянинг “**Ўзбекистонда туризм соҳасининг барқарор ривожланиш ҳолати ва таҳлили**” номли иккинчи бобида Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиш шарт-шароитлари ва ҳолати, туризм соҳасининг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган, Ўзбекистонда туризм соҳаси барқарор ривожланишида анъанавий


<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси

ва инновацион жараёнлар интеграциясининг ўзига хос жихатлари ёритиб берилган.

Туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига ром этмоқда. Маълумотларга кўра юртимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий жойлар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат каторида туради.

Мамлакатимизда саккиз мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилиш механизмлари таҳлил қилинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонга ташриф буюраётган хориж фуқароларининг сони йилдан йилга юқори суратлар билан ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий фуқаролар сони (млн. киши)<sup>7</sup>**

Олиб борилган таҳлилий маълумотлар кўрсатишича республикамизга ташриф буюрган хорижий туристлар 2016 йилда 2,027 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 2,69 млн. кишига ортиб, йиллик ўсиш 32,7 %ни ташкил қилган. Ўз навбатида мамлакатимизга 2018 йил 5,346 млн киши ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони ўтган 2017 йилга нисбатан 99 %га ошганлигини, шунингдек 2019 йилда 6,748 млн киши ташриф буюрган ва ўтган йилга нисбатан 26,2 %га ўсганлигини кузатиш мумкин. Бироқ, дунё

<sup>7</sup>. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

миқёсида юз берган пандемия туризм соҳаси ривожланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

2016 йилдан бошлаб туризм соҳасининг ривожланиши янги босқичга ўтганлигини кузатиш мумкин, хусусан, бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча фармонлари орқали бир қатор мамлакат фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди ва натижада хорижий туристлар оқими 2016 йилга нисбатан 2019 йилда 3 баробарга ошган. Шунингдек, визасиз режим амал қилаётган мамлакатлардан бошқа барча мамлакат фуқаролари учун туристик марказлар, яъни Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий этиш келажакда туристлар оқимининг кескин кўпайишига имконият яратиши аниқланди.

Халқаро туризм соҳаси 2020 йилгача жаҳон иқтисодиётида энг тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 10,4 %, ҳар 1/10 иш ўрни, жаҳон экспортининг 7 %, хизматлар экспортининг 30 %и тўғри келган. Дунё бўйича 2019 йилда 1,462 млн.дан ортиқ туристлар халқаро саёҳатларга чиққан бўлиб, уларга кўрсатилган хизматлардан 1,480 млрд. АҚШ доллари миқдоридан даромад олинган. Кутилмаганда юзага келган COVID-19 пандемияси оқибатида “2020 йилда туристлар сони 364,3 млн. кишини (олдинги йилга нисбатан 74 %га камайган), кўрсатилган хизматлар 371,0 млрд. АҚШ долларини (ўтган йилга нисбатан 75 %га камайган) ташкил этган”<sup>8</sup>.


Бундан кўриниб турибдики, туризм бугунги кунда жаҳон иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари чуқур инқирозни бошидан кечирмоқда. Бу туризм дунё бўйлаб энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири сифатида баҳоланган.

Ўзбекистонда туризмдан олинган даромад ва туризм хизматлари экспорти таҳлил қилинганда, 2010 йилдан 2019 йилгача барқор ўсишга эришилганини кузатиш мумкин. Туризм хизматлари экспортининг 2010 йилги кўрсаткичи 121,4 млн. АҚШ доллари бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 214,8 млн., 2017 йил 546,9 млн., 2018 йил 1,04 млрд., 2019 йилда 1,313 млрд. ва 2020 йил 261 млн. долларни ташкил этган. 2020 йилда бутун дунёда юз бераётган пандемия ҳисобига экспорт кўрсаткичлари ҳам камайганлиги қайд этилмоқда. Туризм хизматлари экспорти нафақат Ўзбекистонда, балки барча туризм ривожланган мамлакатларда ҳам қисқарганлиги тўғрисида БТТ маълумотлари келтирмоқда (3-расм).

2020 йил туризм бизнесининг буюк инқироз даври дейилса, 2021 йилда ҳам дунё мамлакатлари бу инқирозни бошдан кечирмоқда. Бу инқироз даврида туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг стратегик чоратадбирлари ҳақида диссертациянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муаллифлик ёндашувлари келтирилган. Унга кўра барқарорлик ва

<sup>8</sup> [https://tourlib.net/wto/UNWTO\\_Barometer\\_2021\\_01.pdf](https://tourlib.net/wto/UNWTO_Barometer_2021_01.pdf)

мослашувчанлик хусусиятлари туризм ва меҳмондўстлик секторини жонлантириши кўзда тутилган.



**3-расм. Ўзбекистонда туризм хизматлари экспорти кўрсаткичлари (млн. АҚШ дол. ҳисобида)**

Халқаро туризм ташкилотларининг мавжуд маълумотларни диққат билан ўрганиш; самарали эмлаш орқали саёҳат қилувчи оилалар ва дўстона гуруҳлар сони ортишига эришиш; бозордаги савдо стратегиясини диққат билан ўрганиш; пандемия даврида миждозлар билан мулоқотда шаффофликка эришиш; ёш авлод ва соҳа вакиллари ўртасидаги мутаносибликка эришиш омиллари орқали туризмни барқарор ривожлантириш стратегияси таҳлил қилинган.

Пандемия даврида туризмни соҳасини қўллаб-қувватлаш ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда тегишли чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан тадқиқотда пандемия даврида соҳани ривожлантириш учун 10 кишидан кам бўлмаган хорижий туристик гуруҳлар учун камида беш кеча тунаб қолиш шarti билан туристик корхоналарнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини 30 фоизи миқдорида субсидиялаш ҳамда меҳмонхоналар учун туристик тўловларни вақтинча бекор қилиш лозимлиги каби тавсиялар ишлаб чиқилган ва илмий асосланган.

Туризмни барқарорлиги учун Ўзбекистон иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда унинг ривожланиш парадигмалари белгиланса, қуйидаги формула муқаррар эканлиги ойдинлашади:

А–барқарор ривожланиш бўйича дунё тафаккури ва илғор ғоялар; В–барқарор ривожланишнинг Ўзбекистон учун муқарраллиги; С–Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг ривожланиш тенденциялари; Д–Ўзбекистон иқтисодиётида туризм соҳасининг мавқеи ва даражаси; Е–туризмнинг

бугунги кун учун ижтимоий-иқтисодий имкониятлари; F–туризмнинг келажак учун ижтимоий-иқтисодий имкониятлари; G–туризм соҳаси харидорларининг максимал қониқиш даражаси.

## 1-жадвал

### Туризм соҳасининг барқарорлик турлари<sup>9</sup>

| Барқарорлик босқичлари                 | Туризмдаги барқарорлик турлари характеристикаси  |
|--|--|
| Энг қуйи, яъни суст ривожланиш босқичи | <p><i>Мақоми:</i> туризм соҳаси ўзининг илк шаклланиш ва ривожланиш жараёнида бўлади</p> <p><i>Мезони:</i> туризм фаолияти деградацияга олиб келмайди</p> <p><i>Устунлик:</i> туризм ривожланишнинг муқобил шакли сифатида сифатида баҳоланади, янги иш ўринлари яратади, атроф муҳит муҳофазаси амалга оширилади</p> <p><i>Харажатлар:</i> туризм маконига нисбатан маълум антропологик муносабат асосига қурилади</p>  |
| Оддий қуйи ривожланиш босқичи          | <p><i>Мақоми:</i> туризм соҳаси нисбатан шаклланиб бўлган ва ривожланган бўлади.</p> <p><i>Мезони:</i> туризм соҳасининг ривожланиши қўллаб-қувватланади ва янги туристик маҳсулотлар ва хизматлар таклиф этилади.</p> <p><i>Устунлик:</i> ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши учун асосий ўринни эгаллайди, катализаторлик хизматини амалга оширади, иш ўринлари билан таъминланганлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соҳанинг ривожланишини режалаштиришни таъминлайди.</p> <p><i>Харажатлар:</i> ҳудудий ва маҳаллий туризм инфратузилма ва туристик маҳсулотларни яхшилаш учун харажатларни оширишни тақозо этади.</p> |
| Кучли ривожланиш босқичи               | <p><i>Мақоми:</i> туризм соҳаси барқарорлик нуктаи назаридан илк шаклланиш босқичида бўлади.</p> <p><i>Мезони:</i> туризмда экологик менежмент қўлланила бошланади</p> <p><i>Устунлик:</i> атроф-муҳитнинг туризм соҳаси ривождаги олий сифати таъминланиб, иқтисодий ўсишга эришилади. Иш ўринлари билан таъминланиш юқори даражада бўлади, туризм соҳасида мунтазам юқори кўрсаткичларга эришилади</p> <p><i>Харажатлар:</i> Туристик хизматларга етарли даражада талаб мавжуд бўлмаса, харажатлар тақозо этилади</p>  |
| Жуда кучли барқарор ривожланиш босқичи | <p><i>Мақоми:</i> туризм ривожланишининг юқори босқичида, яъни эксплуатация жараёнида бўлади.</p> <p><i>Мезони:</i> ҳудуднинг имкониятлари тўлиқ туризмни ривожлантириш мафнаатларига қаратилади. Табиатнинг мутлақ консервация ҳолати вужудга келади.</p> <p><i>Устунлик:</i> қайта тикланувчи ва қайта тикланмайдиган ресурсларнинг қўлланилиши, узоқ муддатли экологик манфаатдорлик вужудга келиши.</p> <p><i>Харажатлар:</i> экологик танг ҳолатлар вужудга келганлиги боис туризм фаолиятига таъқиқ белгиланиши, туристик фаолиятнинг тўхтатилиши.</p>   |

<sup>9</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, туризм барқарорлигини белгилашнинг жуда оддий парадигмалари ҳам илмий жамоа томонидан кўриб чиқиладиган бўлиб, масалан, қисқа муддатли барқарорликни юзага келтириш парадигмасига кўра, туристик эҳтиёжлар билан туристик имкониятларнинг аниқ бир йўналиш ва аниқ бир вақтдаги мутаносиблиги туризмдаги барқарорлик белгиси сифатида хизмат қилиши таъкидланган.

Тадқиқотда туризм бўйича барқарор ривожланиш механизмлари маъмурий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, бошқарув, стимулятив элементлар ва бошқарув методлари мажмуасининг айнан тараққий эттиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, тизимнинг барқарор ҳолати, яхлитлиги, динамик ривожланиши, ички ва ташқи таъсирларга чидамлилиги, истиқболдаги самарасини таъминлашнинг амалий жараёнлари тавсифланган.

Туризм соҳасининг барқарорлик турларига кўра Ўзбекистондаги туризм салоҳиятига баҳо бериладиган бўлса, мамлакатнинг “энг қуйи, яъни сустривожланиш босқичи”да турганлиги ойдинлашади. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари қаторида, унинг манфий ва мусбат томонлари ҳам мавжуд. Объектив сабаблардан бири сифатида соҳа мустақилликнинг дастлабки йилларидан 2016 йилгача аста-секинлик билан ривожланганлиги, айнан 2016 йилнинг охирларидан туризм барқарор ривожланиш учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий ишларнинг амалга ошириладигани, соҳани ривожлантириш мақсадида уни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантириладигани келтирилган (1-жадвал).

Ўзбекистонда туризмнинг ўзига хос жиҳатларидан бири археологик, тарихий-маънавий ёдгорликлар ҳамда табиий туризм ресурсларининг кўплиги бўлиб, бошқа туризм марказлари, яъни Туркия, Миср, Малайзия, Сингапур, Филиппин, БАА давлатлари сингари, ўз кумли пляжлари, соҳил бўйлари, дарё ва денгиз каби табиий бойликлари билан туристлар диққатини жалб эта олмайди. Туристларни жалб этиш учун санаб ўтилган йўналишлардан бошқа йўналишларни олий даражадаги хизмат турларига етказиш, туризмнинг маънавий-маърифий ва тарихий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, тарғибот-ташвиқот фаолиятини давлат-хусусий шерикчилиги асосида ривожлантириш зарур.


Бинобарин, Ўзбекистонда курорт ва тоғ дам олиш зоналарини кўпайтириш, ишбилармонлик, тиббий-соғломлаштириш, айниқса болалар учун соғломлаштириш ва оилавий туризм турларини ишлаб чиқиш, спорт туризми, табиий ҳудудлар билан боғлиқ экологик туризм, агротуризм каби соҳаларда жуда катта салоҳият мавжуд.

Ўзбекистонга ташриф буюрувчи хориж фуқаролари мақсадлари бўйича тақсимланса, уларнинг кўрсаткичи ўзаро кескин фарқ қилишини кузатиш мумкин. Мамлакатимиздаги туризм салоҳияти эътиборга олинса, республикада туризмнинг кўплаб турларини ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан

мамлакатимизга ташриф буюрган фуқаролардан келиш мақсади бўйича сўровномалар ўтказилган. Сўровнома ўтказиш жараёнида 72 та давлатдан жами 5756 респондент<sup>10</sup> иштирок этган. Тадқиқот натижалари ЮНВТО экспертлари иштирокида ва Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар асосида умумлаштирилган.

Мазкур тадқиқот натижаларига кўра, 2018 йилда 81,8 % қариндошлари ва дўстларини кўриш мақсадида, 15,4 % дам олиш ва саёхат мақсадида, 0,8 % малакавий хизмат юзасидан, 0,9 % даволаниш юзасидан, 0,8 % тижорат қилиш мақсадида ва 0,3 % таълим олиш юзасидан келаганлиги аниқланган (4-расм).



**4-расм. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасига хориждан келаётган кишиларнинг мақсадлари бўйича тақсимооти (минг киши)<sup>11</sup>**

Диссертация мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон шароитида туризмнинг ижтимоий мавқеи ва ҳолатидан келиб чиқиб, туризмни ривожлантириш бўйича давлат ва минтақа концепцияси, дастур ва режалар мавжудлиги; стратегик бошқарув амалга оширилаётганлиги; туризм ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадлари ва механизмлари мавжудлиги ва фаолияти (бошқарув ва мониторинг масалалари); туризм ресурслари картаси ва уларнинг истиқболда ривожланиш омиллари белгиланганлиги; туризм соҳасидаги ислохотлар мониторинги, ислохотлар ислохотлар учун эмас, балки сифат ўзгаришлари учун қилинишини англаш; туризм орқали аҳоли бандлиги ҳал этилиши; туризм орқали аҳоли даромадлари ортиши; туризм соҳасининг иқтисодий

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари

<sup>11</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

самарадорлиги; туризм соҳасининг мультипликатив ривож; виза режимининг эркинлашуви; туризм хизматлари реестрининг кенгайишини таъминлаш режалари мавжудлиги; кадрларга кўйиладиган компетейцион ва квалиметрик талаблар асосида туризмни барқарорлаштиришнинг стратегик механизмлари таклиф этилган.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га бағишланган. Мазкур бобда Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш стратегияси, Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг истикболдаги стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш кўрсаткичлари эконометрик моделлаштирилиб, 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари келтирилган.

Туризм ресурслари дунё миқёсида барча давлатларга тенг бўлинган ва тенг миқёсда намоён бўлади дейиш мушкул. Аксинча, баъзи ҳудудларнинг туризм имкониятлари жуда кенг, баъзиларида эса туризм ресурслари чекланган бўлади. Ўзбекистон мисолида туризм ресурсларининг тарихий-маънавий ва тарихий-археологик нуқтаи назардан бойлиги тилга олинади. Баъзи ҳудудлар экологик ва табиат бойликларига бой бўлса, айрим ҳудудлар ов қилиш ва ҳайвонот дунёси билан бетакрор, бошқа ҳудудлар эса дунё миқёсида ягоналик касб этган тоза кўл ва сув ҳавзалари билан ўзига жалб этса, баъзи ҳудудлар айнан тарихий обидалари, иморатлари ва архитектура ёдгорликлари билан машҳурлиги алоҳида таъкидланган.

Туризм соҳасида туризм ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш талаб этилади. Ўзбекистон туризм ресурсларига бой мамлакат ҳисобланади. Мамлакатда туризм салоҳиятидан фойдаланиб, халқаро тажрибани эътиборга олган ҳолда, туризмнинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи рекреацион ресурслар, ландшафт, биоиклим ва махсус қўриқланадиган ҳудудларни давлат-хусусий шерикчилик асосида такомиллаштириш таклиф этилган.

## 2-жадвал

### Реклама харажатлари ва туризмдан олинган даромадларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>12</sup>


| Давлат    | Реклама харажатлари ўсиши, % | Туризм даромадларининг ўсиши, % |
|-----------|------------------------------|---------------------------------|
| Канада    | 23                           | 38                              |
| Франция   | 156                          | 164                             |
| Германия  | 24                           | 106                             |
| Сингапур  | 28                           | 213                             |
| Испания   | 83                           | 126                             |
| Шри-Ланка | 177                          | 245                             |

<sup>12</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда туризм соҳасининг таракқиёти ва ривожда туризм рекламасига алоҳида аҳамият қаратилади. Жаҳон миқёсида туризм рекламаси айнан соҳанинг ривожини билан узвий боғлиқ эканлиги борасида тадқиқотлар ўтказилган. Уларга кўра, ҳаққатан ҳам туризм, аниқ бир жой, конкрет муҳит, макон, туризм базаси, туристик йўл, туризм марказларининг рекламасини тўғри ва оқилона ташкил қилиш орқали мана шу маконга туристлар оқимини кўпайтиришга эришилган. Дунёдаги машҳур туризм масканларида ҳам реклама қилиш одатий ҳолга айланиб қолган. Масалан, турли давлатлардаги туризм рекламаси билан туристлардан олинган фойданинг ўзаро боғлиқлиги куйидаги жадвалда кўрсатилган (2-жадвал).

